

БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС

ИЖРОСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛIGИ НАЗОРАТИДА



BOLALAR SPORTI

MADANIY-MA`RIFIY AXBOROT GAZETASI

e-mail: bolalarsportiuz@umail.uz

28 (215)-СОН 14.09.2021 йил, сешанба.
Баҳоси келишилган нархда

«5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС»НИНГ
ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШИ ёшларни
жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт
соҳасидаги қобилиятларини намоён
этишлари учун зарур шароитлар яратишга
йўналтирилган.



МУҲОКАМАДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



ҚўНФИРОТДА
БАРКАМОЛ БОЛАЛАР
ТАРБИЯЛАНМОҚДА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ:

КЕЧА ВА БУГУН

**ЧЕМПИОН ҚИЗ
ШАРАФЛАНДИ**



«Bolalar sporti» газетасига обуна бўлинг ва фарзандингизнинг муваффақиятларини кузатиб боринг!



2181-8371

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

Таълим жараёнини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар мұхокама қилинди



Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири Агритина Шин Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби Александр Сазонов, Россия Федерацияси таълим вазирлиги халқаро ҳамкорлик ва жамоатчилек билан алоқалар бўлими директори ўринбосари Андрей Ефремов, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети ректори вазифасини бажарувчи Василий Рабош билан учрашиди.

Россия томони ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашувда Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари мұхокама қилинди.

Дастлаб Россия Федерацияси делегацияси раҳбари А. Ефремов сўз олиб, университет Тошкент филиалига янги тайинланган ректорни Ўзбекистон томонига расман таништириди.

Жаноб В. Рабош ўз сўзида Россия давлат педагогика университетининг фаолияти, мазкур олий ўқув юрти қўлга киритаётган ютуқ ва муваффақиятлар, эришаётган салмоқли натижалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Ўз навбатида, у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги раҳбари тағибнига Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва Россия давлат педагогика университе-

тининг Тошкент филиалини очища кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик билдириди.

Мазкур филиалнинг янги жамоаси ҳар томонлама қўллаб-куватланиши ва ўқув даргоҳининг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солиниши, филиал МДҲ давлатлари орасида юқори малакали ва салоҳиятли педагог-кадрлар тайёрловчи марказга айланishi алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Украшувда шунингдек, ҳозирги кунда Тоҷикистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатларида шу каби филиаллар фаолиятини йўлга кўйиш бўйича мутасадди идораларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борилаётгани эътироф этилди.

Украшувда меҳмонлар делегацияси вакиллари Россиянинг "Лукойл" компанияси молиявий кўмагида бунёд

,

Хозирги кунда Тоҷикистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатларида шу каби филиаллар фаолиятини йўлга кўйиш бўйича мутасадди идораларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

этилаётган Тошкент вилояти, Қиброй туманидаги Реабилитация маркази ҳамда Ўзбекистонда янги қурилиб, фойдаланишга топширилаётган мактабгача таълим муасасалари педагог кадрларининг малакасини оширишда Мактабгача таълим вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини баён этишиди.

Ушбу ҳамкорликнинг илк дебочаси сифатида Санкт-Петербург шаҳри мутахассислари кўмагида Нукус шаҳридаги "Имкон" реабилитация маркази ходимлари малакасини ошириш юзасидан амалий келишувга эришилди. Музокаралар якуннада Россия давлат педагогика университети Тошкент филиалида таълим жараёнини ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар мұхокама қилинди.

Мактабгача таълим вазирлиги Ахборот хизмати

Мухим янгилик:

«С боард» мобилъ дастури ишга туширилади



Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан энг яхши инновацион таълим дастурларини Ўзбекистон Республикаси шароитига жалб этиш ва мослаштириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги Кореянинг «Edulink» компанияси билан биргаликда «С боард» мобилъ таълим дастурини ишга туширади.

Биринчи босқичда лойиҳа Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида синов режимида амалга оширилади. Вазирлик матбуот хизмати раҳбари Мавлуда Асқархўжаеванинг таъкидлашича, ишлаб чиқилган дастур мактабгача таълим ташкилотлари, тарбиячилар, ота-оналар

ва мактабгача ёшдаги болалар учун ноёб имкониятларни очиб беради.

Мобилъ дастур мактабгача таълим сифатини яхшилаш, рақамли ҳисоботга босқичма-босқич ўтиш, мактабгача таълим ташкилотлари ва отаоналарга кўмаклашиш учун мўлжалланган.

Математика асослари, ўзбек тили ва бошқа чет тилларини ўқитиш учун ўқув видеоклиптарининг «С боард» дастурини тоғрисида мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътиборлиси, мобилъ дастур ишлаб чиқилишининг барча


босқичлари «Илк қадам» давлат ўқув дастури ҳамда мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти ҳамда илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган давлат талабларига мувофиқ амалга оширилади.

«С боард» иловасини “Google Play App Store” ва “Apple” онлайн дўйонларидан бепул юклаб олиш мумкин.

Мазкур мобилъ илованинг ишга туширилиши ота-оналар, мактабгача таълим ташкилотларининг бутун педагогик жамоаси учун мухим воқеа бўлади ва мустақил Ўзбекистоннинг таълим салоҳиятини мустақамлашга хизмат қиласи.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА

ЖАРАЁН



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: Чимкент шаҳрида 4-10 сентябрь кунлари «Shymkent Cup - 2021» ҳалқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Ўнда бир ярим мингга яқин спортчилар ўз вазн тоифаларида голиблик учун кураш олиб боришиди. Ўзбекистон делегацияси сафиди иштирок этган Наманган вилояти спортчиларидан Гулшаной Исмоилова 1-урин, Жавоҳир Сатимбоев эса 3-уринни қўлга киритди.

ҲАМОН ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИНИ ТУШУНМАЁТГАН БОҒЧА ДИРЕКТОРЛАРИ БОР



Мактабгача таълим вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Мавлуда Асқархўжаева АОҚАда ўтказилган брифингда ижтимоий тармоқлар орқали йўлланган мурожаатлар юзасидан олиб борилган ўрганишлар натижаларини маълум қилди. Унга кўра, Кўйон шаҳридаги 8-давлат мактабгача таълим ташкилотида жорий йилнинг 16 июль куни Фарғона вилояти Мактабгача таълим бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиш ўтказилган. Ўрганиш давомида мазкур боғчада меҳнат ва ижро интизоми таъминланишида бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлиги,

энг ачинарлиси, ташкилотда жами 28 нафар тарбияланувчи йўлланмасиз, яъни ноқонуний равиша тарбияланниб келинаётганлиги аниқланган. Бу – ноқонуний равиша қабул қилинган 28 нафар боланинг ташкилотга қонун талаблари асосида қабул қилинган тарбияланувчиларга ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлар ҳисобидан овқатлантирилишига сабаб бўлган. Юқоридаги ҳолатлар Фарғона вилояти Мактабгача таълим бошқармасининг Касаба уюшмаси йиғилишида муҳокама қилинганида 8-давлат мактабгача таълим ташкилотида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари тўпланган ҳужжатлар ва ходимларнинг

тушунтириш хатлари асосида ўз тасдигини топган. Шунингдек, ўрганиш натижалари бўйича ташкилот директори Н.Шукрова томонидан тақдим қилинган тушунтириш хатида, ҳақиқатдан ҳам ўрганишда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйганлиги маълум қилиниб, аниқланган ҳолатлар 3 кун муддатда бартараф этилиши ва бошқармага ахборот бериши билдирилган. Аммо Н.Шукрова ўз тушунтириш хатида маълум қилган муддат давомида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмаган. Ҳатто бошқарманинг тушунтириш бериш ва Касаба уюшмаси йиғилишида иштирок этиш юзасидан

чақирувларида сабабсиз муносабат билдирилсан келган. Юқоридагиларга кўра, Фарғона вилояти Мактабгача таълим бошқармаси Касаба уюшмаси томонидан М.Шукрова билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан бекор қилиш учун розилик берилганлиги боис, 8-давлат мактабгача таълим ташкилоти директори Н.Шукрова билан бошқарма ўртасида тузилган меҳнат шартномаси жорий йилнинг 24 август куни 178-сонли буйруқ билан бекор қилиниб, Н.Шукрова эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

ЎЗА

«BOLALAR SPORTI» МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АҲБОРОТ ГАЗЕТАСИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ СПОРТЧИ БОҒЧАСИ»

танловини
эълон қиласди.

Шунингдек, таҳририят ёш спортчи юлдузларни кашф этиш мақсадида «МАЙДОНДА МИТТИ ПОЛВОНЖОН» ва «БАРЧИНОЙ»лар Республика расмли мақолалар конкурсини ҳам эълон қиласди. Азиз ота-оналар! Бобо ва бувилар! Конкурсда қатнашиш учун фарзандингиз ёки набираларингиз ҳақидаги маълумот ва расмларни bolalarsporti@bk.ru электрон почтасига ёки 97 755-10-11 телеграм рақамига юборишингизни сўраймиз!



Унда энг кўп спорт тадбирлари ўтизган ва энг кўп ёш иқтидорларни кашф этган мактабгача таълим ташкилотлари голиб, деб топилиб, 1-уринга «Болалар спорти» газетасининг 10 миллион сўмлик спорт жиҳозлари, 2-уринни эгаллаган МТТга 7 миллион сўмлик ҳамда 3-урин голибига 5 миллион сўмлик спорт инвентарлари топширилади. Бундан ташқари, 100 та МТТга рагбатлантирувчи мукофотлар берилади. Ушбу танлов голибларини аниқлашда Мактабгача таълим вазирлиги мутасаддилари бизга амалий ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

30 ЁШ ҚУТЛОВИ!

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА

МАСТ ҖИЛЛАМАТ ҲИССИ МУҲИМ

2019 йилда қайта
реконструкция
қилиниб
фойдаланишга
төпширилган
Жондор туманидаги
31-мактабгача
таълим
ташкilotимизда
айни кунда
188 нафар
тарбияланувчига
28 нафар тарбиячи-
педагог таълим-
тарбия бериб
кељмоқда.

Муассасамизда болажон-
ларни ҳар томонлама етук
қилиб тарбиялашда «Илк
қадам» давлат дастури, Дав-
латимиз раҳбари томонидан
илгари сурилган «5 та мухим
ташаббус» доирасидаги ўқув
ва кўнинка шакллантириш
тадбирлари мунтазам амал-
га ошириб келингни.

Хусусан, болажонларимиз-
га рус ва инглиз тилларини
ургатишдан ташқари, мусиқа
ва рассомчилик сирларидан
ҳам сабоқ берилиб, китоб-
хонлик соатлари ҳам ташкил
этимоқда.

Муассасамизда, шунинг-
дек, болажонларимизнинг
спорт билан шуғулланишлари
учун алоҳида эътибор қара-
тилган. Улар эрталабки ба-
дантарбия машқларидан
ташқари, кун давомида турли
спорт машғулотларини ҳам
уташмоқда.

Доимий тарзда тарбия-
ланувчиларимиз ўтасида
ўтказиладиган «Спортни
сев, спорт билан яша»
мусобақасида болажонлар-
имиз чиниқиш билан бирга
ўзаро беллашиб, фаоллик
кўрсатишяпти ва улар маъ-
муриятимиз томонидан му-
носиб рағбатлантирилмоқда.

Айни пайтда болажон-
ларимизнинг шахматга
бўлган қизиқишилари ҳам
ортиб бораётганлиги ку-
вонарлидир. Туманимизда
мактабгача таълим ташки-
лотлари тарбияланувчи-
лари ўтасида ўтказилган
шахмат мусобақасида му-
ассасамизнинг тайёрлов
гуруҳидан Ҳасан ва Ҳусан
Рўзиевлар муносиб иштирок
етиб фахрий ёрлиқ билан
тақдирланди.



Боғчамизда тарбиячи-
лар ўтасида ҳам спорт
мусобақаларини ўтказиш
яхши анъанага кирган
«Ўзбегимнинг спортсе-
вар аёллари» каби спорт
мусобақаларида тарбиячи-
педагог ва ходимларимиз му-
носиб иштирок этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда,
муассасамизда тарбияла-
нувчиларга таълим ва тарбия
беришда олиб борилаётган
саъй-ҳаракатларимиз на-
мунадагидек, аммо ютуқлар
ўзимизники, болажонлари-
миз эртамиз эгалари экан,
уларга таълим беришда
доимо масъулият ҳиссини
унутмаслик мақсадга
мувофиқдир.

Гулбаҳор ТОЙИРОВА,
Бухоро вилояти Жондор
туманидаги 31-мактабгача
таълим ташкилоти спорт
йўриқчиси

Илғор болажонларимиз
«Жажжи аскарлар», «Темур-
бек издошлари», «Жажжи
маликалар», «Спорт – соғлик
гарови» каби мусобақаларда
ҳам фаоллик кўрсатмоқда.
Бундан ташқари, боғчамиз
кatta гурух тарбияланувчи-
си Ҳафизжон Одилов ҳам
вилоятда ўтказилган таэк-
вандо WTF йўналишида
1-даражали диплом соҳиби
бўлди. Болажонларимиз-
нинг ютуқлари муассасамиз-
нинг ҳам ютуғидир. Шунинг
учун уларнинг спорт билан
шуғулланишларига янада
қуляй шарт-шароитлар яратиб
бериш мақсадида гим-
настика ва шахмат-шашка
тўғараклари ҳам ташкил
этildi.

Тарбияланувчиларимиз-
нинг замон талабларига
мос тарзда дунёқарашини
шакллантириш, Ватанга
муҳаббат руҳида тарбия-
лаш мақсадида тарбиячилар
томонидан буюк аждодла-
римиздан Алишер Наво-
йининг «Шер ва дуррож»,
«Нон иси», Заҳириддин
Муҳаммад Бобурнинг
«Қовун ҳиди» каби ҳикоялари
саҳналаштирилиб, намойиш
қилинмоқда.



30 ёш қутлови

Ўзбегим, омон бўлсин бу азиз бошинг,
Меҳринг бекиёсдир, беминнат ошинг,
Ҳавас қилди сенга барча қардошинг,
Тобланди, синалди, метин бардошинг,
Кутлуг бўлсин, юртим, тўй – 30 ёшинг!

Эга бўлдинг ўзинг сарҳадларингга,
Ўз тилинг, бойлигинг, мақсадларингга.
Тўғри йўл кўрсатдинг фарзандларингга,
Тобланди, синалди, метин бардошинг,
Кутлуг бўлсин, юртим, тўй – 30 ёшинг!

Авлодинг онгода равнақ туйгуси,
Спорччи ёшларинг миллат кўзгуси,
Кимга армон бўлдинг, кимнинг орзуси,
Тобланди, синалди, метин бардошинг,
Кутлуг бўлсин, юртим, тўй – 30 ёшинг!

Бутун дунё сени тан олди бу кун,
Шарафла кўтардинг миллатнинг юкин,
Нечун мен куйламай чиройинг, кўркинг,
Тобланди, синалди, метин бардошинг
Кутлуг бўлсин, юртим, тўй – 30 ёшинг!

Кел, бугун хайрлаш армонинг билан,
Фаҳрлан бойлигинг, хирмонинг билан,
Юксакликка интил сарбонинг билан,
Тобланди, синалди метин бардошинг,
Кутлуг бўлсин, юртим, тўй – 30 ёшинг!

Олтиной ИСМОИЛОВА,
Избоскан тумани
22-МТТ тарбиячиси


Испанияга Иордания орқали борилади

Маълумки, жорий йилнинг 15-25
сентябрь кунлари Иорданияда ганд-
бол бўйича аёллар ўтасида қитъа
чемпионати бўлиб ўтади.

Ўзбекистон гандбол федерация-
сининг маълумотига кўра, мамлака-
тимиз терма жамоаси аъзолари XVIII
Осиё чемпионатининг “А” гуруҳида
Жанубий Корея, Гонконг, Қозогистон,
Қатар ва Сингапур терма жамоалари
билан кейинги босқичга чиқиш учун
баҳслашади.

«Б» гуруҳидан эса Эрон,
Хинди斯顿, Афғонистон, Япония,
Қувайт ва Иордания гандбол жамоа-
лари жой олган.

– Иорданияда ўтадиган нуғузли
мусобақада совринли ўринларни
кўлга киритиш учун терма жамоамиз
бош мураббий Зинаида Тинкова,
мураббийлар Зафар Азимов, Ис-
моилжон Аҳмедов етакчилигидаги
гандболчи қизларимиз етарли
даражада тайёргарлик кўришди.
Мақсад Иордания мусобақасида
муносиб иштирок этиб, шу йилнинг
декабрь ойида Испанияда бўладиган
жаҳон чемпионати йўлланмаси
соҳиби бўлиш. Қолаверса, мазкур
мусобақаларда халқаро тажриба
тўплаган ҳолда юртимиз гандболчи



қизлар терма жамоасининг келгу-
сида бўладиган қитъа ва олимпия
ўйинларида иштирокига эришиш,
– дейди Узбекистон гандбол фе-
дерацияси бош котиби Исмоил
Матхоликов.

Айтиш лозимки, Осиё чемпио-
нати Низомига кўра, унда муносиб
иштирок этган олтита давлат тер-
ма жамоалари жаҳон чемпионати
йўлланмасига эга чиқади.

Тўлқин РЎЗИЕВ, ўЗА

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ИТАЛИЯ Хамюртимиз Элдор Шомуродов тўп суроётган «Рома» ЧЕМПИОНАТИ: жамоаси «Сассуоло»ни 2:1 ҳисобида таслим этди.

Иккинчи бўлимнинг 74-дақиқасида майдонга тушган Элдор ўйиннинг сўнгги дақиқаларида жамоадоши Эл-Шааравига қулай тарзда тўп узатиб берди ва уни италиялик футбол юлдузи голга айлантиргди. Шу тариқа, «Рома» ушбу галабадан сўнг очколар сонини 9 тага етказиб олди ва турнир жадвалида пешқадамга айланди.



ҚҮНГИРОТДА

БАРКАМОЛ БОЛАЛАР ТАРБИЯЛАНМОКДА

Бугунги кунда болажонларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишлари учун мактабгача таълим ташкилотларида уларни соғломлаштиришга қаратилган ишлар самарадорлиги ортиб бормоқда. МТТлардаги болажонлар билим олиш билан бирга спортда ҳам ўз иқтидорларини намоён этишяпти.

Қўнғирот туманида фаолият юри- таётган «Wold Disney» давлат-шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда муассасада 3 та групда 75 нафар болажон таълим ва тарбия оляпти. «Илк қадам» давлат ўқув дастури асосида машғулотлар йўлга қўйилган ташкилотда ҳар бир груп хоналари замон талабларига мос тарзда жиҳозланиб, болажонларнинг келажакда ҳар томонлама етук шахс бўлиб улғайишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Муассасада Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида бир қанча ишлар

олиб бориляпти. Хусусан, тарбияланувчиларни болалигидан ҳунарга ўргатиш мақсадида моҳир қўллар, рақс, кичик рассомлар тўгараклари, шунингдек, спорт йўналишида шахмат-шашка, қаратэ ва бадий гимнастика тўгараклари ташкил этилган.

Муассасада тарбияланувчилари соғлом ва баркамол ривожланиши учун турли спорт мусобақалари ва кўрик танловлар ўтказиш анъанага айланган. Яқинда боғчада қаратэ бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда ўз маҳоратини намойиш этган иштирокчилар ташкилот томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, шахмат-шашка бўйича мусобақада эса болажонлар ўз тенгдошлиари билан ақлларини чархлашган бўлса, «Кичкина рассомлар» кўрик-танловида эса рассомчилик бўйича ўз қобилиятини намоён этди.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда олиб борилаётган барча сайъҳаракатлар келажагимиз бўлган болажонларимизнинг билими ва онги юксалиши, соғлом ва бақувват бўлиб камолотга етишиши учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айнуре БЕКНИЯЗОВА,
Қўнғирот туманидаги «Wold Disney» ДХШ МТТ директори

Чемпион қиз шарафланди

Татаристоннинг (Россия) Мамадиш шаҳрида 2004-2006 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро миқёсдаги мусобақада мамлакатимиз вакилларидан 34 нафар полвон 8 та олтин, 7 та кумуш, 16 та бронза медалларига сазовор бўлди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Хусусан, ушбу мусобақада 70 килограмм вазнга эга бўлган спортчилар ўртасидаги баҳсларда Тўракўргон туманидаги 45-умумтаълим мактабининг 11-

синф ўқувчиси Шириной Йўлдошева барча рақибларидан устун келиб, олтин медални кўлга киритди.

Спортчи қиз ўқиган мактабда ўтказилган тақдирлаш маросимида Намангандан вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Рустамжон Исройлов юртимизда ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан баркамол ва соғлом улғайтиришга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътибор хусусида тўхталди. Чемпион қизни эришган ғалабаси билан табриклаб, диплом ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

Оқиилхон ДАДАБОЕВ





КАТТА СПОРТ

СТОЛ ТЕННИСИ

борасидаги
улкан ютуқлар
хали олдинда

15-19 сентябрь кунлари Қозоғистоннинг Караганда шаҳрида стол тенниси бўйича мукофот жамғармаси 30 минг доллар бўлган «Kazakhstan International Open» халқаро турнири бўлиб ўтади.

Хозирда стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мамлакатимиз стол тенниси федерацияси спорт базасида мазкур мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.

Ушбу мусобақага кўрилаётган тайёргарлик жараёни, МДҲ ўйинларида стол теннисчиларимиз нега иштирок этмагани, Олимпия ўйинларига йўлланмалар бой берилгани, Осиё чемпионатига тайёргарлик ва мазкур спорт турини янада оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ЎзА мухбири Ўзбекистон стол тенниси федерацияси раиси Саида Маҳмудова билан сұхбатлаши.

– Аввало, «Kazakhstan International Open» халқаро турнирига тайёргарлик ва турли ёшдаги терма жамоаларимиз учун ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Хозирда пойтахти миздаги спорт базамизда ўсмиirlар, ёшлар ва катта ёшдаги терма жамоаларимиз учун кўшима ўқув-машғулот йиғинини ўтказяпмиз. Мазкур йиғинда асосан спортчиларнинг жисмоний ҳолатини янада яхшилаш, техник ва тактик машғулотлар билан биргаликда психологияк машқлар ўтказилмоқда.

Караганда шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақада мамлакатимиз шарафини асосан ёш, умидли спортчиларимиз ҳимоя қиласди. Жумладан, Абдулазиз Анорбоев, Муҳаммад Ўқтамбоев, Сўғдиёна Мадалиева, Розалина Хожиева каби стол теннисчиларимиз ушбу рейтинг берувчи халқаро турнирга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Уларга ўйин амалиёти яхши бўлиши учун Андикон, Бухоро, Фарғона, Намангандан, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан тажрибали теннисчилар спа-ринг партнёр сифатида тақлиф этилди. Терма жа-

моамиз 14 сентябрь куни Қозоғистонга учиб кетади.

Айнан шу таркибга бир нечта тажрибали спортчиларни кўшган ҳолда 28 сентябрь – 5 октябрь кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида ҳам иштирок этамиз.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур Осиё чемпионати катталар ўртасида ўтказилса-да, мураббийлар штаби билан биргаликда терма жамоамиз таркибига 90 фоиз ёшларни кўшдик.

– Албатта, терма жамоа сафи ёшлар билан бойигани яхши ҳолат. Биламизки, Зоҳид Кенжав ҳозирда стол теннисчиларимиз ўртасида бой тажрибага эга спортчи. Бироқ «Токио-2020» мусобақасига йўлланмана берувчи мусобақада финалга қадар етиб бориб, йўлланмани бой берди. Айтингчи, йўлланмана кўлдан чиқишига нима сабаб бўлди?

Зоҳид Кенжав ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2016 йилги Олимпия ўйинларидан сўнг унга нисбатан давлатимиз томонидан катта эътибор ва имкониятлар яртилди, маблағ кетди. Бунга жавобан нафакат у, балки ҳар бир спортчи юксак натижалар қайд этиши зарур эди. Афсуски, март ойида Қатарда Осиё қитъаси учун Олимпиадага йўлланмана берувчи турнирнинг финалида Зоҳид Кенжав эронлик рақиби устидан 2:0 ҳисобида ютиб турган бир вазиятда ўйинни бой берди.

Албатта, бу катта ўйқотиш бўлди, теннисчимиз рақибидан рейтинг жадвалида юқори ва тажрибаси кўпроқ эди. Мураббий сифатида унинг мағлубиятига сабаб руҳий босим, дея оламан. У баҳс давомида ўзини ўйқотиб кўйди. Ўзбекистон стол тенниси федерацияси Миллий Олимпия кўмитаси томонидан тавсия этилган руҳшунос фаолият кўрсатиб келмоқда. Бироқ Зоҳид ушбу психолог билан ишлашни истамади ва бошқа психолог билан ишлади. У йўлланмана олишда айнан психологик ҳолат етмади.

Спортчимиз Олимпия ўйинларига қадар жаҳон проторида яхши иштирок этди, рейтинг жадвалида 114



– Дарҳақиқат, Зоҳид Кенжав, Римма Гуфanova, Марҳабо Магдиева каби стол теннисчиларимиз Олимпия ўйинларига йўлланмана олиш учун асосий давогарлар эди. Афсуски, ҳар учта спортчимиз кутилган натижани беролмади.

Роғонага қадар кўтарилиди, халқаро ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этди. У учун барча имкониятлар юқори даражада ташкиллашибтирилди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда 16 ёшли Марҳабо Магдиева Олимпия йўлланмаси учун кураш олиб борди. Унга



сўнгги ҳал қилувчи баҳсада бироз омад ва тажриба етишмади, шу сабабли ҳам иккинчи йўлланмани бой бердик. Шутариқа биз учун Токио эшиклари ёпилди.

Умид қиламизки, Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Олимпиадага қадар ёш теннисчиларимизнинг маҳоратлари янада ошади ва ҳар икки тоифада йўлланмани қўлга киритамиз.

– Қозон шаҳрида 1-МДҲ ўйинлари бўлиб ўтди. Дастьлаб, мазкур мусобақага стол теннисчиларимиз ҳам бориши керак эди, бироқ кутилмаганда иштирок этмаслиги маълум бўлди. Бунинг сабаби нимада?..

– МДҲ ўйинларига ёшлар таркибимиз бориши керак эди. Афсуски, мазкур мусобақа ва Қатарда ўтадиган Осиё чемпионати бир вақтга тўғри келиб қолди. Биз албатта, Осиё чемпионатида иштирок этишини режа қилдик.

Мазкур мусобақа 1-8 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши керак эди. Бироқ Осиё чемпионати 28 сентябрь-5 октябрь кунига кўчирилди. Бизнинг спортчиларимиз эса МДҲга бориши учун рўйхатдан ўтишга ултурмади. Лекин албатта, МДҲ ўйинлари ҳам спортчиларимиз учун катта тажриба бўларди. Афсуски, бу мусобақа насиб этмади.

– Сўнгги йилларда стол тенниси мамлакатимиз ёшларининг энг севимли спорт турига айланди. Мазкур спорт турини янада оммалаштириш учун нималарга эътибор қаратиш керак?



– Дарҳақиқат, стол тенниси бугун ёшларимиз ўртасида жадал оммалашмоқда. Уни янада оммалаштириш учун федерациямиз томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, стол теннисини янада ривожлантириш учун вилоят бўлнимларида ҳам спорт базаларини яратиш зарур.

Бу борада ҳозирда олий таълим муассасалари ректорлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Ҳар бир вилоятда ўзининг базаси бўлса, спортчи кунига 3-4 маҳал шуғулланиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, селекцияни ривожлантишимиз зарур. Вилоятларда тажрибали ёшлар кўп. Лекин уларни селекция қилиш, саралаш ва шуғуллантириш учун маблағ зарур. Ҳар бир вилоят ҳокимлари, тадбиркорлар ёрдами керак. Уларнинг молиявий ёрдами сабаб стол тенниси оммалашади, иқтидорли спортчилар янада кўпайди.

Ҳозирда биз мактабгача таълим муассасаларида стол тенниси тўғаракларини очиш тақлифини илгари суряпмиз. Хитойда ҳам шу тажриба қўлланилади. Стол теннисини ривожлантириш учун яна бир йўл – Европа мамлакатлари сингари клублар ташкил этиш керак. Агарда ҳар бир вилоят клублари ривожланса, тажрибали спортчиларга қўшилиб ёшларимизнинг маҳорати ортади.

– Самимий сұхбатингиз учун раҳмат.

ЎЗА мухбири Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ ёзиб олди

БАРКАМОЛ АВЛОД – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Илмий кузатиш ва тадқиқотлар инсон ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олишини аллақачон исботлаб бўлган. Дарҳақиқат, бу даврда инсон боласи дунёни англай бошлайди, она тилини ўзлаштиради, ота-она, оила, маҳалла, Ватанга меҳри уйғонади.

Бу жараёнда эса шубҳасиз оила ва оиласдаги муҳит асосий рол ўйнайди. Кейинги босқич бу – мактабгача таълим мусассасидир. Шу боис мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига айлантириляпти.


Маълумки, мактабгача таълимнинг асосий мақсади – болаларни ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб шаклланишига ёрдан бериш ҳамда болада тизимни таълимга иштиёқ уйғотишидир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қила бошлади дейиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган ва соҳани бутунлай янги босқичга олиб чиқишига ҳуқуқий асослар яратадётган яна бир ҳужжат бу – 2017-2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича дастур бўлди. Унда бугунги кундаги ҳаётий талаб ва эътиёжлар, соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳамда ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам тўла қамраб олинди, дейиш мумкин.

Сир эмаски, узоқ йиллар давомида соҳага етарлича эътибор қаратилмагани, шунингдек ахоли сонининг муттасил ошиб бораётгани инобатга олинниб, юртимизда мактабгача таълим мусассалари сони кўпайтириляпти.

Ал батта, соҳадаги исплоҳотлар бугунги талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган кадрларсиз самара бермайди. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илгор усуслар орқали мунтазам ошириб бориш механизмини яра-



КЕЧА ВА БУГУН

тиш, ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш долзарб саналади. Айни шу омилларни инобатга олган ҳолда қарорда мактабгача таълим мусассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув реже ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгиланганийн муддаодир. Чунки, биз ўз олдимиизга фарзандларимизнинг ҳар томонлами интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйган эканмиз, шубҳасиз, педагогтарбиячиларнинг малакасини ошириш борасидаги илғор тажрибаларни кенг ёйишимиз ҳам зарур. Шу билан бирга, мактабгача таълим мусассасаларини психолого-дефектолог каби мутахассислар билан таъминлашимиз шарт. Шунинг баробарида мактабгача таълим мусассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларининг роли муҳим эканини унутмаслигимиз керак. Айни шу сабабли ҳам қарорда болаларни мактабга тайёрлашнинг мўкобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳ ташкил этиш кузда тутилгани, қолаверса, боғчаларга жалб қилинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг педагогик-психологик билимларини ошириш ҳам мақсадга мувофиқидир. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида 3-6 ёшдаги мактабгача таълим мусассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу ўринда мактабгача таълим мусассасаларида тарбияланувчи-

либ 62% гача ошиши натижасида бугунга келиб 1,7 млн. дан ортиқ мактабгача ёшдаги болалар боғчаларга қамраб олинди. 2025 йилга келиб эса уларнинг барчасини бир йиллик мажбурий бепул таълим тизимига қамраб олиш режалаштирилган.

Яна бир салмоқли натижага охирги тўрт йилда боғчалар сони 5 минг 200 тадан 18 минг 300 тага оширилди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 барабар ортиб, 62 фоизга етди.

Яратиб берилган имконият ва имтиёзлар натижасида эса хусусий ва оиласий боғчалар ҳам кўпайди. Оиласий боғчаларга ўқув қўлланма ва методик материалларни бепул етказиб бериш учун эса давлат томонидан 30 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, бундай мусассасаларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун 5 фоиз ставкада 30 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар берилган.

Олис ҳудудлардаги мактабгача таълим мусассасаларида эса бир бола учун 50 фоиз харажатлар субсидия қилиб келинмоқда. Яқин истиқболда субсидия миқдорини 75 фоизга етказиш, хусусий боғчаларнинг электр энергияси ва табиий газ тўловининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш ҳам режалаштириялти.

2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказиш режалаштирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу

ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан кўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабгача тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Бундан ташқари, пандемия сабаби тўлиқ қувватда ишламаган давлат-хусусий шериклик боғчаларнинг кредитлари бўйича асосий қарз тўлови муддати ҳам йил якунига қадар узайтирилди.

Шу ўринда 2021-2022 йилларда 23 та туманинг олис ва чекка ҳудудларида 50 та мактабгача таълим мусассаси барпо этиш режалаштирилиб, бунга қамров даражаси энг паст ва болалар сони 250 тадан ошган 50 та маҳалла танлаб олинганини ҳам айтиш жоиз.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан таълим, хусусан, мактабгача таълим тизимида самарали ўзгаришлар юз бермоқда. Чунки, мактабгача таълим турлари орасида энг муҳим ва энг масъулиятли давр ҳисобланади. Зоро, мутафаккирлар айтганларидек, «Ёшлиқда олинган билимтошга ўйилган нақшdir».

**Шахноза
ХУЖАМБЕРДИЕВА
п.ф.ф.д.(PhD),
Наманган давлат
университети**



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Баркамол авлод – учинчи Ренессанс пойдевори» лойиҳаси учун ажратилган грант доирасида тайёрланди.

ТАВСИЯ



И

инсон доимо соғлом бўлиши учун 7 ёшдан 70 ёшгача спорт билан шуғулланиши керак. Аммо инсон умрининг қайси босқичида қандай спорт билан машғул бўлишини ҳам яхши билмоғи лозим. Спорт фақаттинга инсонни жисмоний томондангина эмас, ақлий ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, жажжи болажонларнинг эрта ёшдан спортга жалб қилиш уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга этиши учун замин яратади. Агар фарзандларимиз болалигидан мунтазам спорт билан шуғуллана бошласа, уларда ижодкорлик ривожланиб, масъулиятлилк ҳисси ортади. Яъни, бола спорт орқали бошқаларга ёрдам бериш, атрофдагилар билан ҳамкорлик қилиш, дўстлари ва оила аъзоларига нисбатан ҳурмат кўрсатиш сингари социал хатти-ҳаракатлари билан «мен»лигини ривожлантириб боради.

Шунинг учун 0-6 ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний ҳаракатлари ўйин тарзида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса мия фаолиятига, тана ҳаракатларига, ҳиссий ва ижтимоий ривожланиши-

га, суяқ ва мушакларнинг бақувват бўлишига ёрдам бериб, стрессни камайтиради ва моторик хусусиятлар (мослашувчанлик, чидамлилик, мувофиқлаштириш ва тезлик)ни таъминлайди. Ўз навбатида, бу боланинг аста-секин спортнинг маълум бир тури бўйича ихтиносослашишини осонлаштиради.

Спортга тайёргарлик жараёнлари ўйин шаклидаги машғулотлар билан бошланиши керак. Бола 2-7 ёш даврида кўпроқ юриш, чопиш, сакраш, мўлжалга олиб улоқтириш, тўпга уриш, тирманиш, сузиш, рақс тушиш, волесопед мениш каби асос ҳаракатлар шаклидаги спорт ўйинлари билан шуғуллангани маъқулдир. Чунки бола 2 ёшда дастлабки барқарор ҳаракатланиш босқичида бўлади. 3-4 ёшдан бошлаб боланинг ҳаракатларини назорат қилиш имкони бўлгани учун унга ўзи севган спорт машғулоти (ҳаракатлар) билан тарбиячи ёки мураббий бошлигида шуғуллантириш мумкин. 5-6 ёшга етганида эса, бола асос ҳаракатлар соясида етуклик босқичига ўтади. Яъни, бола бу ёшдан бошлаб спортнинг маълум бир турига ихтинослашиши

мумкин. Агар бола мактабга бормасидан олдин югуриш, узоққа отиш, сакраш ва тирмашиб чиқиши сингари асос ҳаракатларни бажармаса, ундан якка ва жамоа спорт турлари бўйича яхши натижа кутиб бўлмайди. Мутахассислар бола 3 ёшидан сузиш, енгил атлетика, умумий гимнастика билан, 4 ёшидан бошлаб рақс, ракетка спорти билан 6 ёшдан ҳамда жамоа спорт турлари билан 7 ёш-

дан шуғуланиши мумкинлигини тавсия қиласди.


Болани бирор спорт турига йўналтиришда фарзандингизнинг хоҳишига кўра танлаш ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки бола спорт билан шуғулланганида ўзини бахтли ҳис этиши, бу машғулотдан завқ олиши керак. Бу вақтда ота-оналар ва тажрибали мураббийлар болани қизиқишиларини кузатган ҳолда йўл

кўрсатиши керак. Бола бирор шуғулланганидан кейин унинг шу спортга нисбатан истаги борми ёки йўқлиги маълум бўлади. Шунингдек, танлов жараёнида боланинг бўйи, вазни, кучи, тезлиги ва ҳатто, ақлий-жисмоний ва психологик хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши керак.

Одина ЮЛДАШЕВА
тайёрлади

БОЛАЛАР

қандай спорт билан шуғулланиши керак?



«BOLALAR SPORTI
GAZETASI»
mas'uliyati cheklangan
jamiyati

БОШ МУҲАРРИР:
Ойбек АБДУРАХМОНОВ

Таҳририят манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тел/факс: (0-371) 232-12-03, (+998 97) 755-10-11.

«BOLALAR SPORTI»дан олинган маълумотлардан фойдаланилганда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктasi назаридан фарқ килиши мумкин. «BOLALAR SPORTI» оригинал макети.

Босишига топшириш вақти – 20.00. Топширилган вақти – 19:50.

Газета «ШАРҚ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

«BOLALAR SPORTI» газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2016 йил 11 майда 0577 раками билан рўйхатдан ўтган.

Бичими: А-3. Ҳажми: 2 босма табоқ.

Нашр кўрсаткичи: 615.

Буюртма раками: Г-904 Адади: 3 485

Газета хафтанинг сешанба куни чиқади.

Муассис:

«BOLALAR SPORTI GAZETASI» масъулияти чекланган жамияти.

Электрон почта: bolalarsportiuz@umail.uz

bolalarsporti@bk.ru